

Сийрат дарслари (234-дарс) Ҳар бир маъруф иш садақадир



19:00 / 09.06.2023 971

Ҳузайфа ва Жобир розияллоҳу анҳумдан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳар бир маъруф иш садақадир»**, дедилар.

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

914. Адий ибн Ҳотим розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Аллоҳ сизлардан ҳар бирингиз билан албатта орада таржимонсиз гаплашади. Шунда у (банда) ўнг томонига назар солади ва ўзи қилган нарсадан бошқани кўрмайди. Чап томонига назар солади ва ўзи қилган нарсадан бошқани кўрмайди. Олдига назар солади ва юзининг рўбарўсида фақат оловни кўради. Демак, яримта хурмо билан бўлса ҳам, дўзахдан сақланинг»**.

Бошқа ривоятда:

«Ким топмаса, бир оғиз ширин сўз билан бўлса ҳам», дейилган.

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

915. Умму Кулсум бинт Уқба розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **«Одамлар орасини ислоҳ қилган ёлғончи эмас, у яхшилиқни етказди ёки яхшилиқни айтади»**, деганларини эшитган.

Бухорий ривоят қилган.

916. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Кимга бир ато берилсаю, топса, унга яраша қайтарсин, топмаса, мақтов айтсин. Ким мақтов айтса, ҳақиқатан шукр қилибди. Ким беркитса, ҳақиқатан куфрони неъмат қилибди. Ким ўзига берилмаган нарсани «берилди» деса, худди иккита ёлғон кийим кийгандек бўлади»**, дедилар».

Абу Довуд, Термизий ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

917. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Одамларга ташаккур айтмаган (кимса) Аллоҳга ҳам шукр қилмайди»**, дедилар».

Абу Довуд, Термизий ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

918. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага келганларида муҳожирлар у зотнинг ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, биз ораларига келган қавм каби, яъни моли кўп бўлса, сарфлайдиган ва моли оз бўлса, гўзал муомала қиладиган қавмни кўрмаганмиз. Маишатимизни етарли қилиб қўйишяпти, фароғатга бизни шерик қилишяпти. Ажрнинг ҳаммасини булар эгаллаб олишмаса эди?» дейишди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Йўғ-э, уларга ташаккур айтиб, ҳақларига дуо қилиб турсангиз, ундай бўлмайди»**, дедилар».

Абу Довуд, Термизий ва Ҳоким ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.

